

Бутун ўлкада маориф ишлари тўғрисида жиддий ҳаракат ва самимий фикр олишмоқлар кўрулишга бошлади. Бу бизнинг маориф ишлари тарихимизда биринчи даврдир. Бу кунгача бу янглиг асосли суратда музокаралар, фикр олишмоқлар кўрулмаган ва маориф ишлари учун кизик мажлис бўлмаган эдики, бу кунги тебранишимиз эса бунинг учун қувонарлик холлардандир.

Ўлкамизнинг ҳар бир шаҳрида мактаб, маориф деган товушлар эшитилмакка, ҳар ерда матбуотимиз шу ҳақда сўз очиб кичкирмоқка бошлади. Вақти келганда биз ҳам шу умумий маориф муҳокамаларига қотишмоқ ва оғизона фикримизни арз қилмоқ бўлдик.

«Инкилоб» мажмуасининг олтинчи сониди «Шайх ота» ўртоқнинг «Умумий таълимни амалга қўйиш мумкинми?» унволи мақоласи босилиб ўтди. Мақолада маорифимиз тўғрисида баъзи фикрлар баён этилди. Биз «Шайх ота» ўртоқнинг мақоласини ўқиб чиққач, «бу ўртоқ ишга ошно эмас экан ва ё билфееъл ишга қотишмаган экан» дейишга мажбур бўлдик. Мақола муқаддима тарзида эски гаплар билан бошланиб, ўртасида бир неча асоснинг тўғри хал қилиниши кераклиги кўрсатиладир ва охирида яримчиқ холда тугаб, қатъий бир натижа берилмайдир.

Биринчи асос масала қилиб, «Мактаблар тузишга қандай тип мактаб — шаҳар мактабими, қишлоқ мактабими асос қилиб олинмоғи керак» деган модда қўйилган. Жавобда ҳам «бирлик мактаби масаласига шундай маҳкам асос солинганки...» деб нимагадир қатъияга берилиб кетадир. Лекин биз «шаҳар мактабими, қишлоқ мактабими» деб кетишнинг маъносига шаҳар мактабидан мурод нима ва ўзи қандай мактаб, қишлоқ мактаби-чи, деб яна савол қўямиз. Бу эса бир муаммо бўлгани қаби жавоби ҳам шу йўсин бўлиб чиқади. Бизда ҳали ҳеч бир турли мактаб йўқки, биз уларни бирлаштириб «бирлик мактаби» деб атасак. Сўнгра бизда «бирлик мактаби» масаласи хал этилмаган, фақат таржимагина қилингандир.

«Бирлик мактаби»дан мақсад шу бирлашган меҳнат мактаби бўлса, ҳали бу оврўполик муаллимларнинг ўз эътирофича ўлкамизда бирта ҳам йўқ!

Хол шундай экан, қатъий ўларок «бирлашган меҳнат мактаби асос қилиб олинадир» демак туш кўрмақдир.

Иккинчи асос, деб кўрсатилган қўчма халқлар мактабига ҳам мақола эгаси «музокарадан кейин бир гап бўлар» деб айтадир. Бошқа асосларига ҳеч нима демайди. Учинчи, тўртинчи ва бешинчи асосларга бир «таълим-тарбия» қоидаларига ва аҳволнинг мусоадасига қараб бўлсин, деймиз. Олтинчи асос ҳам хал қилиш керак бўлган масалалардандир.

\* \* \*

Бизда муҳим ўрин тутадирган масалалардан бири «умумий, мажбурий текин таълим»ни амалга оширишдир. Лекин биз бунга икки турлик монеъ кўрсатамиз:

1. Моддий қучсизлик.
2. Маънавий қучсизлик.

Бунинг устига халқимизнинг ўқишга ҳаваси сўнганлигини ҳам қўшсак, монеъ учта бўладирқим, бизга қолса монеъларнинг энг қучлиги шу кейингисидир.

Агар халқимизга «ўқиш ва ўқитиш» тарғибот қилинса, бу масалалар енгил хал этилури эди, деб ўйлаймиз. Бу ўқиш дарди сўнганлик тарихини текшириб кетсак, жуда узок

йилларни дарак этамиз, энг оз уч юз йиллаб шу касалга мубталолигимизни мушохада этамиз.

Шунча кўб йиллардан бери кундан-кунга сўнишда давом этиб келган маорифимизни тиргизмак ва бирдан оёкка босдириб юбормок енгил хал этиладурган ишлардан эмасдир. Нечукким, шўролар хукуматининг ўтган йилларидаги тажрибалари шуни кўрсатади. Бизлар «умумий маориф» тўғрисида ўйлар эканмиз, халкимизнинг кайгусини ер эканмиз, ахволга кўзимизни очиб карамогимиз ва тузук килиб асослар тузишимиз керакдир. Йўкса, бошка миллатларнинг маорифи билан ўзимизникини ўлчамак, адади бутун ўлкада бир нечадан ошмаган яримталиқ ибтидоий мактаблар билан бир нарсага хукм этмак тўғри бўлмас.

Шу янглиш асоссиз, мухокамасиз ишларимизнинг натижасидирким, ҳеч бир ишимизни хамиша тўғри ва асослиқ бир йўлга кўя олмай келамиз.

Бир вақтлар мактабларни халклаштириш керак, халк билан яқин муносабатда бўлмок керак, деб кўб огиз кўпиртиришдик. Бу кун эса биз бошка айтайлиқки, шунинг ила сўнган маорифимизни йўлга кўйиб юборган бўлайлиқ. Биз бундан сўнг бу кунгача бўлиб келганидек «Юкоридан халкка караб окмайлиқ-да, халк билан бирга юкорига караб интилайлиқ!» Мана шу йўлгина бизни натижага караб тортар.

Биз энди текшириб кўрайлиқ.

Бизда эски мактаб — янги мактаб отлари ила икки турлиқ мактаб бор, тагин айтамиз бизда «кишлоқ мактаби, шаҳар мактаби» деган мактаблар йўқ. Бутун ўлкада тахминан эллиқ (50)дан ошмай турган яримчик, аксарият эътибори билан бузук мактаблар бор. Эски мактабга келганда булар ёлғиз Самарканд вилоятининг ўзида уч юздан ортиқдир. (Бутун ўлкадаги мактаблар ададини билмогимиз учун «Инкилоб»нинг шундай бир ҳисоб жадвалини топиб тарқатишини тилар эдик.) Биз мана шу заминда мухокамага киришмогимиз керакдир. Мана шу икки турлиқ мактабни кўзда тутиб бирлашган мактаб ясаймизми, текширилса, маълум бўлар.

Эски мактабимизда ўқитиш йўли ила эски «қурук васат» усули таълим бўлғони каби янги мактабимизда яримчик (таъбир маъзур кўрилсин) янғидир.

Модомики биз халк билан бирга бормокчимиз, эски мактаблар ҳам бизга керакдир. Кўлимизда халкнинг эҳтиёжини тамоман коплайтурган кучимиз бўлса эди, уларнинг бизга кераклиғи ҳам бўлмас эди. Хол шу нуктада экан, бизнинг учун икки иш кўндаланг келадир:

1. Замонамизнинг таълим-тарбия конунларига мувофиқ мактаблар.
2. Умумий маориф мактаблари.

Буларнинг биринчиси ҳозирги янги мактабларни моддий ва маънавий жихатлардан таъмин этмак билан бўлса, иккинчиси эски мактабларни ислох қилиш билан бўлур.

Замонамизнинг таълим-тарбия конунлари турган жойда мактабларнинг ишлари, прўграммаси тўғрисида гапириб ўтириш ортиқдир. Чунки унинг асоси қачонлар қурилғандир. Шунинг учун биз ёлғиз умумий маориф мактаблари тўғрисида сўз сўзламокчимиз.

Умумий маориф мактабларини ҳозирдан вужудга чиқара бошламок мумкиндир. Аммо басит бир прўграмм тайёрламок керакдир. Бундаги қавойи ва умумий таъбирга мувофиқ «бирлашган мактаб» шу умумий маориф мактаблари бўлғусидир. Чунки биз мунда янги билан эскини бир ерга жамлаб икки ёрти бир бутун чиқара оламиз.

Эскининг дин ва ахлоқ дарсини, янгининг ҳисоб ва дунё маълумотини олиб ўқув-ёзувни кўшамиз; эски бўлсин, янги бўлсин муаллим топиб кўлига дарс, дарслиқлар топширамиз.

Махаллаларда, кишлоқларда ва масжидлар қошида ўқитила берадир. Буларнинг таъминотини халқнинг ўзидан олмоқ ҳам мумкин, вақфлар билан бажарса ҳам бўлур. Буни таълим жихатидан идора этиш ҳам кийин эмасдир. Хар бир ўн мактаб устига бир рахбар бериб эллик (50) рахбар тайёрласак, беш юз (500) мактабни идора қила оламиз. Бу умумий маориф мактабларига муаллимларни замон этиштирган кишилардан топмоқ ҳам мумкиндир. Шунинг учун бу йўсин мактабларнинг тез тараккий қилиши ҳам умидликдир. Сўзимиз охирида шуни ҳам айтиб ўтамизким, маорифимизнинг бошида ерлик халқ маорифини тушуна олатургон кишилар бўлгандагина маориф ишларимизнинг йўлга қўйилиши мумкиндир.

Хозирги ахволда бизнинг ишларимиздан бутунлай бегона шахслар билан бир ерга этиш жуда кийиндир. Агар бизга маориф ишларини тўғридан ҳам энди йўлга қўймоқ керак бўлса, асосан тузатмақ, бошқатдан курмоқ керак бўлур.

Бу эса бизнинг дардимизни англай олгон кишиларнинг иш бошига минишларига мувофиқдир.

Макола «Инкилоб» журналининг 1923 йил 9-10-сонларида босилган.